1997

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан ҳамда инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

А. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

Б. Аёллар, шунингдек 60 ёшдан ошган эркаклар;

В. Вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

Г. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қуйидаги шахслар жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин:

А. Беш йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаганлар;

Б. Етти йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаганлар;

В. Ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатини камида тўртдан уч қисмини ўтаганлар.

4. Мазкур Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсларга — ўталмаган жазо қисми ярмига қисқартирилсин.

6. Биринчи марта ўн йилгача озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар манзил колонияларга ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2, 3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек, уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан Фармоннинг 1-4, 6-моддалари қўлланилмасин.

8. Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки авф этиш тартибида жазодан озод этилган шахсларга нисбатан фармон тадбиқ этилмасин.

9. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 3 декабрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 4 декабрь, пайшанба № 142 (22.225).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: суҳбат пайти. **А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жозеф Пресел ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ишонч ёрлиғини қабул қилар экан, элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан табриклади.

— АҚШ элчиси сифатида сиздек тажрибали мутахассиснинг Ўзбекистонда иш бошлаши биз учун қувонарлидир, — деди Ислом Каримов. — Бу ҳам АҚШ ҳукуматининг мамлакатимизга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлаш керакки, ўзаро ҳамкорлигимиз тобора ривожланиб бораётир. Бу ҳолни ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам маданий ҳаётда бирдек кузатиш мумкин.

Жозеф Пресел самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. У Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш АҚШ ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини айтди. Шунингдек, у ўз фаолияти давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Шу ҳафта ичида АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Парижда Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху билан учрашади. Кейин эса Женевада Фаластин раҳбари Ясир Арафот билан суҳбатлашади.

* * *

Нью-Йорк шаҳрида янги йилни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Куни-кеча бу ерда мамлакатнинг бош арчаси ўз чироқларини ёқди.

* * *

АҚШ адлия вазири Президент Билл Клинтон ва вице-Президент Альберт Горни айблаш учун мустақил прокурорни белгиламайдиган бўлди.

* * *

Франция Гвианасининг Куру космодромида Европанинг ракета ташувчи «Ариан» кемаси икки йўлдоши билан бирга учирилди.

* * *

Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн Теҳрондаги мажлисда иштирок этишдан бош тортди.

* * *

Вашингтон штатининг Шимолий-Шарқий қисмида енгил, бир моторли самолёт ҳалокатга учради. Унинг бортида уч киши бор эди. Улардан бири ҳалок бўлди.

* * *

Россия мудофаа вазири кеча НАТО раҳбарлари ва ўзининг Ғарбий Европадаги ҳамкасблари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

* * *

Стокгольмга ташриф буюрган Борис Ельцин бу ерда Швеция Бош вазири билан учрашди.

* * *

Германия жанубидаги Раштат шаҳри яқинида йўловчи поезди билан юк поезди тўқнашиб кетди. Натижада 4 киши ярадор бўлди.

* * *

Қисқа муддатли қор ёғиши натижасида Франциянинг каттагина ҳудудларида транспорт қатновига зарар етди.

* * *

Минскдан қайтиб келган Россия Федерацияси ҳукумати раҳбари Виктор Черномирдин Олег Сисуев ҳамда Омон Тулеев билан телефон орқали суҳбатлашди.

* * *

Норасмий хабарларга кўра Куба Республикаси Президентининг ўринбосари Рауль Кастро Рус Ватиканга келди. Ушбу ташрифдан мақсад Рим папаси Иоанн Павел II нинг келгуси йилнинг январь ойида Кубага ташрифини тайёрлашдир.

* * *

НАТО Бош котиби Хавьер Солана Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Сергеев билан самарали музокаралар юритишни кутмоқда.

«Обуна — 98»

БИЗ ҲАМ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ЎҚИЙМИЗ

«Ўзбекистон овози» газетасининг келаси йилга обуначилари сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар орасида хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, ваколатхоналари борлиги қувонарлидир. Зеро, газета мамлакатимизда ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларни кенгроқ ёритиб бораётир.

Куни кеча Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасидан хушхабар олдик.

— Биз ҳам «Ўзбекистон овози» газетасига 1998 йил учун қўш обуна бўлдик, — дейишди улар.

Алишер РЎЗИЕВ.

ДЕПУТАТ ҲИММАТИ

«Сирдарёавтойўл» вилоят давлат ҳиссадорлик жамияти раиси, Гулистон шаҳар кенгаши депутати Назиржон Шосаидов ҳиммат кўрсатди. У ташкилот ҳисобидан ўз сайлов округидаги «Ёшлик» ва «Бўстон» маҳаллаларида истиқомат қилаётган беш нафар уруш ва меҳнат фахрийларини «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилди.

Абдужалил УМАРОВ.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Куни кеча юртбошимиз Латвия Республикаси Саэйми-парламенти раиси Алфредс Чепанисни қабул қилди. Шунингдек, А. Чепанис бошчилигидаги парламент делегацияси аъзолари ташқи иқтисодий алоқалар вазири билан ҳам учрашди. Сўнг пойтахтдаги Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюриб, ноёб экспонатлар билан танишдилар.

***

Олий таълим тизимини педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш, олий мактаб педагогларининг ёшларни тарбиялашдаги ролини ошириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси шу йил 1 декабрдан бошлаб «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

* * *

Ригада Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

***

Хабарингиз борки, 1997 йил 25 декабрь куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Таркиб топган анъанага кўра, парламентнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Кеча ушбу гуруҳнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Таиланд пойтахти Бангкокда Халқаро ипак уюшмаси (ХИУ)нинг XXI конгресси ўтаётган пайтда Ўзбекистон Республикасининг байроғи кўтарилди. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ҳамда Тошкентдаги тўқимачилик ва енгил саноат институти ушбу нуфузли халқаро ташкилотга ҳақиқий аъзоликка қабул қилингани ана шундай нишонланди. Бу ташкилот 23 мамлакат ипакчиларини бирлаштиради.

* * *

Тошкент вилояти ҳокимлигида «Хотин-қизлар ва маданият» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси билан биргаликда уюштирди.

* * *

27 декабрда пойтахтдаги А. Навоий номли санъат саройида профессионал бокс бўйича Осиё профессионал бокс ассоциацияси чемпионлиги учун мусобақа ўтказилади. Унда юртдошимиз Фарҳод Арслонов қозоғистонлик Қанат Селимбетов билан куч синашади.

* * *

Германиянинг Любек шаҳрида ўзбекистонлик таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг 25 та асари намойиш этилди. Кўргазма германиялик ихлосмандлар орасида катта қизиқиш уйғотди.

* * *

Бельгияда сузиш бўйича спортчиларнинг навбатдаги мусобақасида республикамиздан иштирок этганларнинг барчаси муваффақият қозонишди. Унда жами 6 та олтин, 5 та кумуш ва учта бронза медаллари қўлга киритилди.

* * *

«Камолот» жамғармаси Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда 5 декабрдан 21 январгача республикамиз ёшлари учун ҳинд кинофестивали кунларини ўтказади.

* * *

Чирчиқда «Чирком» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлади. Янги замонавий телефон станцияси 19 минг абонентга хизмат қилади.

* * *

Ноябрь ойининг охирида Ҳиндистон пойтахтида Халқаро болалар театрлари фестивали бўлиб ўтди. Унда Канада, Россия, Бангладеш, Ҳиндистоннинг қатор штатлари ва Тошкент шаҳар ўқувчилар саройининг қўғирчоқ театри вакиллари қатнашдилар.

«ҚАЕРДА ҚОНУН ҲУКМРОНЛИК ҚИЛСА...»

Дунёда ҳар бир нарса қонун ва тартибга бўйсунади. Тараққиёт ҳам муайян қонун асосида ривожланади. Қонунсизлик ҳукмрон жойда ривожланиш эмас, бош-бошдоқлик илдиз отади. Тарихдан яхши маълумки, давлатлар ҳам ўз тузук ва қонунлари билан мустаҳкамдир. Зеро, мустаҳкам нарсаларнинг барчаси мустаҳкам пойдеворга, изчил қонунга асосланади.

Мустақил диёримизнинг қисқа фурсатдаги катта тараққиёти негизини Конституциямиз ташкил этади, десам янглишмайман. Чунки у жамиятимиз ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Кечаётган ҳар бир кунимизда содир бўлаётган эзгу ўзгаришларда Конституциямизнинг ҳаётбахш таъсири борлигини ҳис этиб тураман. У озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳуқуқий кафолати эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб туришига ишонаман.

Бизнинг ривожланаётган давлатимизда жамият ҳар бир ватандошимизга ҳуқуқий кафолатлар бериши бешак, бешубҳадир. Бу бошқа барча давлатлар учун ибрат бўла оладиган томонларимиздан бири. Бош Қомусимизда инсон манфаатларини қўзлаб мустаҳкамланган бу кафолатлар барча учун баробардир. Буни яхши англаган жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси мазкур қоидалар амалга ошиши учун ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугун биз беш йиллигини тантана қилаётган Асосий Қонунимиз дунёга чиқишимиз учун йўл бўлди. Мустақилликнинг ўтган даврида биз жаҳонни, дунёни ҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Зеро, ҳар бир демократик жамиятда шундай қоида қарор топган. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини адолат асосида белгилаб олди. Ватанимиз келажагининг буюклиги, халқимиз тақдирининг дориломонлиги кўп жиҳатдан Конституциямизга боғлиқ. У халқимиз иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради ва халқимизнинг сиёсий донолиги ва доно эса бизни англай бошлади. Кўплаб хорижликлар бугун янги турмушни қуришда биз билан ҳамнафас бўлмоқда. Европадан, дунёнинг бошқа ривожланган давлатларидан ўрганди, ўрганмоқдамиз. Улар ҳам бугун биздан ўрганадиган нарсалари кўп эканлигини очиқ-ойдин тан олмоқдалар. Чунки биз жаҳон маънавияти хазинасини бойитган улуғ алломалар меросхўримиз. Улкан маданий, маънавий меросга эгамиз. Қонимизда ана шундай буюклар қони оқар экан, биз фаровон ва гўзал турмуш яратиш учун беқиёс имконимиз бор, десак бўлади. Ёшларимиз янги билимларни эгаллаб, ўз қобилиятини оширмоқда. Ёркин келажак яратиш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Конституциямиз ана шундай эзгу мақсадлар, эзгу орзу-ниятларни амалга ошириш учун замин яратган.

Қомусимизнинг асосий моҳияти яна шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига муайян мақсадлар қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олга силжиш бўлмайди.

Асосий Қонунимизнинг ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги қиймати шундаки, у жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, ҳар бир демократик жамиятда шундай қонун ҳукмронлиги, халқимиз тақдирининг дориломонлиги кўп жиҳатдан Конституциямизга боғлиқ. У халқимиз иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради ва халқимизнинг сиёсий донолиги ва доно тафаккури маҳсулидир. Халқчил Қомусимизда фуқароларнинг ақиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши фазилатлар ўз аксини топган.

Мустақил давлатимиз Бош Қомусининг ижобий жиҳатлари, аввалгилардан фарқлари нималардан иборат? Авваламбор, бу ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра мутлақо янги ҳужжатдир. Унда синфийлик тушунчаси ва мафкурасидан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикр илгари сурилади. Фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. У инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, қонунларнинг устунлигининг таъминланишидир. Чунки эркинлик ҳам қонунлар устуворлиги муҳитида пайдо бўлади. Буюк Амир Темур айтганларидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади». Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча принципиал қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсизлиги қонунларимизнинг асосий мезонини ташкил этади.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради. Айни вақтда яккаҳокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўйилмайди. Зеро, давлатимиз мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига раҳна соладиган миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим. Таъкидлаш зарурки, Асосий Қонунимизда ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 7 ноябрида «Озодлик» ва «Би-Би-Си» радиостанциялари мухбирлари билан учрашувда мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқлари, жамиятда инсон ўзини эркин ҳис этиши ҳақида гапириб: «Демократлаштириш масаласида бизлар кўпроқ эркинлик беришимиз, одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини тезроқ англашига кўмаклашишимиз, инсон қадрини жойига қўйишимиз керак. Шу ниятларни амалга оширишда бизнинг Конституциямиз катта йўл очиб беради», — деб айтди.

Мен Ўзбекистонни ягона, 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этаман. Биз ҳамжиҳат бўлиб кучимизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таяниб иш кўрмоқдамиз. Демак, фаровон ва ёруғ кунларни ўз қўлимиз билан яратмоқдамиз. Авлодларга орзу этганимиз — озод ва обод Ватан қолдиришимизга шубҳа йўқ. Бунга Бош Қомусимиз халқимизнинг хоҳиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Азим СУЮН.

Ҳуррият ҳақиқатлари

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

МЕЗОН — АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тош тарозу ўзгарди. Эндиликда Бош Қомусимиз — Конституция асосида ягона АДОЛАТ тарозусига амал қилинади. Бу — Қонун олдида ҳамма баробар, дегани.

Маълумки, айнан шу Конституциямиз Республика хўжалик судларининг ташкил этилишига ҳам асос бўлди. Хўш, ўтган қисқа давр ичида хўжалик судлари мамлакатимиз тараққиётига қандай хизмат қилди? Жойлардаги вилоят хўжалик судлари адолат тарозусига тошни тўғри қўя олаяптими? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Мирзоулуғбек Абдусаломовга мурожаат қилдик.

— Аввало, мамлакатимиз мустақиллиги, қолаверса, 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Бош Қомус халқимизнинг асрий орзуси ушалганлигининг белгисидир. Республикамизда хўжалик судларининг бешиги ҳам дунёвий тамойилларга хос ва мос Конституциямиздир.

Суд ҳокимиятнинг бир бўлаги. Конституциявий ва бошқа судлар билан бир қаторда хўжалик судлари ҳам яхлит суд системасини ташкил қилади. Лекин, хўжалик судлари Конституциявий ва бошқа судлар каби мустақил равишда ўз фаолиятини одил судловда амалга оширади. Хўжалик судларида иқтисодий муносабатлардан ёки шу соҳани бошқаришдан келиб чиқадиган низолар кўрилади. Ўтган қисқа даврда хўжалик суди мавқеи, ўрни мутлақо ўзгарди. Буни тадбиркорлар, иқтисод билан шуғулланадиган фуқароларнинг, раҳбарларнинг ўз ҳуқуқини талаб қилиб кўпроқ мурожаат қилаётганидан ҳам билса бўлади. Биргина 1995 йилда 7.5 минг иш кўрилган бўлса, ўтган йили 11 мингдан ортиқ иш кўрилди. Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида шунча ишни кўриб чиқишга эришдик. Бултур даъвогарлар фойдасига қарздорлардан 4 млрд. сўм ундириб берилганди. 1997 йилнинг 9 ойида хўжалик субъектлари фойдасига қарийб 20 млрд. сўм ундириб берилди. Бу ўтган йили давомидаги курсаткичдан беш баробар кўп, демакдир.

— Мирзоулуғбек Элчиевич, хўжалик судларига мурожаат қилаётганларнинг даъволари асосан нималардан иборат?

— Келиб тушаётган низолар асосан олди-сотди шартномаларидан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, қарз ва кредит, банк кредити, товар етказиб бериш ҳақидаги шартномаларнинг бажарилишидан келиб чиқмоқда. Уларни ҳал қилиш жараёнида жами бўлиб хўжалик судлари бир йил ичида республика бюджетига давлат божи ва жарималар ҳисобидан 1 миллиардга яқин маблағни ундириш ҳақида қарорлар чиқарди. Корхона ва ташкилотлар ҳам қонунни бузувчиларнинг олдини олмаганлиги, уз олдидаги вазифаларни тўғри бажармаганлиги учун катта миқдорда жаримага тортилди. Бу ҳам анча миқдорни ташкил қилади. Албатта, бу жабр кўрган корхона ва ташкилотлар фойдасига ҳал қилинади. Шунингдек, 9 ойда камомадларни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича ҳам 573.0 млн. сўмлик низолар ҳал этилди.

Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида қонун талаблари бузилганлиги туфайли 3,6 млн. сўмлик 41 та шартнома суд қарорлари билан ҳақиқий эмас, деб топилди. Хорижий давлатлар корхоналари иштирокида 16 та иш кўрилиб 5,8 млн. сўмлик низолар ҳал этилди.

— Демак, хўжалик судлари иш жараёни жуда кенг...

Ислоҳот ва масъулият

— Албатта, шартномалардан ташқари мажбуриятларни бажармаслик,атроф - муҳитни қўриқлаш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун айбдорлар миллионлаб сўмга моддий жавобгарликка тортилдилар.

Мамлакатимиз раҳбари, ҳукуматимиз бозор иқтисодиётининг асоси бўлган шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратмоқда. Лекин, жойлардан хўжалик судларига келаётган ишларнинг аксарияти шартнома интизоми ниҳоятда паст эканлигидан дарак беради. Худди, шу туфайли ҳам бу борада жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига 1 млрд. сўмга яқин жарималар ундирилди. Бюджетга мажбурий тўловларни корхоналар муддатида тўламаганлиги учун буларни ундириш ҳақидаги давлат солиқ органларининг аризаларини кўриб чиқиб, хўжалик судлари 14,3 млрд. сўм маблағни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳақида қарорлар чиқарди. Низоларни қараб чиқаётганда процессуал қонунлар талабларига итоат этмаган ва интизомсизликка йўл қўйган тарафлар суд томонидан 107,0 млн. сўм жаримага тортилдилар.

— Мирзоулуғбек ака, кўриниб турибдики, миллион-миллион маблағлар жойлардаги кўпгина раҳбарларнинг уқувсизлиги, ишга масъулият билан ёндошмаслиги оқибатида, жамоа аъзоларининг пешона терлари ҳақидан ундириляпти...

— Тўғри, айтдингиз. Раҳбарлик, бирор жамоага бошчилик қилиш бу юмшоқ курсида савлат тўкиб ўтириш эмас. Раҳбарлик кишидан кўп нарса талаб этади. У энг аввало қонунларимизни билиши, унинг устувор эканлигини англаши шарт. Афсўски, тушаётган низоларни таҳлил қилиш жараёнида кўплаб раҳбарларда шартномаларни тузишда қонун талабларига итоат этмаслик, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ кўрсатмаслик, топшириладиган маҳсулот ёки ҳақ эвазига бажариладиган хизматларнинг вақти, сифати, ҳақи ва ҳақ тўлаш тартиби борасида зарур талабларни белгилашда ноаниқлик, юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, Президентимизнинг халқ хўжалигида ўзаро тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ҳақидаги 1995 йил 12 май ва 1996 йил 24 январдаги Фармонлари мавжуд.

Энг ачинарлиси, нуфузли идораларга қарашли, жумладан, «Ўзбекнефтгаз», «Ўздонмаҳсулот» корпорациялари, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» кооператив қўмитаси, «Ўзсувқурилиш» Давлат концерни, «Ўзпахтасаноатсотиш» акционерлик уюшмаси, «Ўзмашсаноат» корхоналари уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзмойтамакисаноат», «Озиқовқатсаноат», «Ўзгўштсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари тизимидаги 3780 та корхоналардан 5,0 млрд. сўмга яқин қарзларни даъвогарлар фойдасига ундириб бериш ҳақида ариза тушганини ва улар судларда кўриб ҳал этилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу борадаги энг ёмон аҳвол «Ўзенгилсаноат» Давлат уюшмаси корхоналарида эканлиги кузатилди.

— Республика Олий ва Қорақалпоғистон республикаси, вилоятларнинг хўжалик судлари минглаб низолар устидан адолат тарозусини тенг қўйиб, иш кўраётганлигининг гувоҳи бўлдик. Лекин жойларда ҳал этилмаган низолар ҳам йўқ эмас. Хўжалик судларига иши тушган киши аввало қаерга мурожаат қилиши керак?

— Фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқини ҳимоя қилиш бизнинг жойлардаги вилоятлар ва Қорақалпоғистон республика хўжалик судларининг вазифасидир. Фуқаролар вилоят хўжалик судларига мурожаат этишлари мумкин.

Хўжалик судлари республика Президентининг «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки ҳамкорлигида аниқ тадбирлар асосида амалий ишларни бажариб келяпти. Муҳими, шартномаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликдан келиб чиқаётган хўжалик низоларини ҳал этишда интизомсизликка йўл қўяётган хўжалик субъектлари раҳбарларига нисбатан қонуний таъсир чорасини қўллашда одил судловни амалга оширмоқда.

Суҳбатдош:
Эркин ТОШТЕМИРОВ,
журналист.

Менда таклиф бор

ОТ БОЗОРЛАРИ БЎЛСА ЭДИ...

Бугун тарихий удумлар қарор топаётган бир пайтда йилқичиликни бутун жумҳуриятда ривожлантирсак, савоб иш бўлар эди. Бу билан от спорти-кўпкарини ҳам ривожлантиришга, «Қорабайир», «Кўк каптар»лар авлодини кўпайтиришга эришган бўлардик. Бунинг учун барча вилоятларда от бозорлари ташкил этилса, нур устига аъло нур бўларди. Эҳтимол, бу бозорларда нафақат яқин қўшни давлатлар, балки Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларидан ҳам бозорга қизиқувчилар иштирок этишса ажабмас.

Ўткир ПЎЛАТОВ,
Самарқанд вилояти от спорти «Кўпкари» уюшмаси раиси.

АЛПОМИШНИНГ МУАЗЗАМ ҲАЙКАЛИ...

Алпомиш «ўтда куймас, сувда ёнмас, ўқ-ёй олмас» алп паҳлавон, жўмардлик рамзи, ёшлик тимсолидир. Шу боисдан ҳам, халқимизнинг бадиий даҳоси, маърифат-маънавият ҳамда ахлоқий юксаклиги натижаси бўлмиш мазкур достоннинг 1000 йиллик умрини нишонлаш юзасидан ЮНЕСКО томонидан тарихий қарор қабул қилиниши умумбашар учун тарихий, маданий воқеа бўлди...

Бу қарор бизнинг зиммамизга жуда катта вазифаларни юклаши табиийдир. Шулардан бири — «Алпомиш»нинг минг йиллиги муносабати билан халқимиз қалбидаги асрий орзу-умид амалга оширилиб, ҳар икки қаҳрамонларимиз Алпомиш билан Барчинга ҳайкал ўрнатилса...

Майли, қаерда бўлмасин — шаҳри азим — Тошкентдами ёки Самарқанд тоғларидами, шундай ҳайкал ўрнатилиб, миллатимиз ўзлигини бўй-басти билан кўз-кўз қилиб турса, жуда савобли, хайрли иш қилинган бўларди.

Малик МУРОДОВ,
профессор.

СИРҒАЛИ ТЎҒРИМИ, СЕРГИЛИ? БЎЛМАСА...

Пойтахтимизда Сирғали тумани бор. Кўпчилик уни Сергили, деб ҳам атайди. Хўш, қайси бири тўғри? Матбуот саҳифаларида ҳам, одамлар орасида ҳам гоҳ у ном, гоҳ бу ном тилга олинади. Аммо, қайси бири тўғрилигига ҳозирча аҳамият берилаётгани йўқ. Менимча, уларнинг бири расман тан олиниши лозим. Бўлмаса, атамашунослар, мутасадди кишилар бир тўхтамга келиб, шу туманга бир ном топишса ёмон бўлмасди.

Маъруф ЭРКИНОВ,
Тошкент шаҳри.

ШУ ҚУРҒУР СОТИЛМАСА

Тунов куни бозорда чунонам қасурқусур бўлдики, гўё биров милтиқ отгандай. Шунда, уни қарсиллатган қарғишга қолди. Шу яқиндагилар «Илоё, жувормаг бўлгур» дейишди...

Ҳар йили янги йил олдидан шу матоҳнинг сотилиши авж олади. Энг ёмони, қаттиқ қўрқувдан ҳам турфа хил касалликлар келиб чиқади. Бу тиббиётдан ҳаммамизга маълум. Шундай экан, шу қурғур сотилмаса. Солиқчилар шуларнинг савдоси билан шуғулланган тижоратчи-тадбиркорларга катта жарима солишса. Чунки, халқимизда «Эл соғлиги — юрт бойлиги», деган гап бор.

Газетада «Менда таклиф бор» рукни ташкил бўлганидан қувондим. Илк таклифим шу.

Мунира АЗИМОВА,
Тошкент вилояти.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ

Истиқлолга эришган ўзбек халқи миллий ўзлигини англаб, қадимий урф-одатларини тиклямоқда. Бундан роппароса беш йил аввал Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституцияси қабул қилингани айниқса қувончли бўлди. Улкан сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат жаҳон майдонида ёш мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлиб, изчил фаолият кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Конституция ўтган беш йил мобайнида ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, одамларнинг хавфсизлигини ва миллатлараро дўстлик ҳамда биродарликни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ яшаб, ягона мақсад — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини кўтаришдаги ҳиссасини оширишга кўмаклашди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти эътироф этган бу ютуғи ўтиш даври зиддиятларини бартараф этишнинг энг муҳим шартларидан бири, мамлакатнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан олга боришининг гарови бўлиб қолди. Бинобарин, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги тамойили дейилганда барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида бўлиши тушунилади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ теран ислоҳотлар амалга оширилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар даражасига етказишдек мураккаб вазифалар ҳал этилмоқда. Бизнинг кўмир қазиб чиқариш ва уни сотиш бўйича «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмасида ҳам иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Конституциясида белгилаб берилган имкониятлар туфайли хорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда соҳани янада ривожлантиришга ҳаракат қилаётирмиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси икки миллиард тонна миқдоридаги кўмир заҳираларига эга. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида мамлакатимиз ҳудудида қазиб олинган сифатли кўмирлар бошқа жойларга ташиб кетиларди. Ўзимизга эса энг сифатсизлари қоларди. Бугунги кунда эса Ўзбекистоннинг барча бойлиги қатори кўмири ҳам ўз ихтиёрида. Шу боис ҳам биз ишлаб чиқаришни тобора кенгайтириб бормоқдамиз. Янги-янги корхоналар бунёд этиляпти. Каолин маҳсулотидан турли зарур буюмлар олиш учун ҳаракат қилинмоқда. Бирлашмамизда ишлаётган турли миллат вакиллари аҳил-иноқ бўлиб ишлаб, мамлакатимизнинг кўмир мустақиллигини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Истиқлол берган неъмат, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни туфайли тараққиёт сари дадил одимламоқдамиз. Шу боис ҳам барча ўзбекистонлик фуқароларни Конституциямизнинг беш йиллиги билан табрикламоқчиман.

Анатолий ЛЕЛЕКО,
Ўзбекистон Республикаси кўмир қазиб чиқариш ва уни сотиш бўйича «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси бош директори.

Ҳамиша ҳушёр.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

Ўзгаришлар шабадаси

МАҲАЛЛАДА ХИЗМАТ МАРКАЗИ

БУХОРО. *Шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда маиший хизматни яхшилаш шу куннинг талаби. Шергарон маҳалласида ҳам бунга эътибор катта. Бахт кўчасида қувончли воқеа бўлди. Бу ерда бир йўла озиқ-овқат ва газета-журналлар дўкони, «Мужгона» хотин-қизлар сартарошхонаси иш бошлади. Маҳалладошлар бу борадаги юмушларни узоққа бориб юрмай, шу ернинг ўзида амалга ошириш имкониятига эга бўлишди.*

Даврон БАҲРОНОВ.

АВТОТЕХ МАЖМУАСИ

НУКУС. *Қорақалпоғистон «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Қиймати 60 миллион сўмлик қурилиш ишларини 320-туманлараро кўчма механизациялашган жамлама бунёдкорлари амалга оширдилар. Шу бинода «Асакабанк»нинг Нукус бўлими ҳам жойлашган. Бу ерда маҳсулотлар савдосини уюштириш ҳам мўлжалланган. Айни пайтда таъмирлаш, кузовларни ўнглаш цехлари ҳам бўлади. Йилига 1300-1400 та енгил машина сотиш кўзда тутилмоқда. Бинони фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган йиғинда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т. Камолов билан «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик бирлашмаси бош муҳандиси А. Ғайбуллаевлар қатнашишди.*

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ОНА – МАРҲУМА,

Хом сут эмган бандамиз-да. Бўлмаса, эр-хотин уруши — дока рўмолнинг қуриши, деган гаплар рўзғорда аксини топарди. Оила боши бўлмиш эрнинг гулдек нозик бўлган аёлга қўл кўтариши натижасида фожиа рўй бермасди.

Яқинда Чироқчи туман судининг залида кўрилган жиноят иш ҳам кишини ўйлашга, муқаддас саналган оилага инсоний муносабатда бўлишга чорлайди. Йўқса...

Ҳеч қаерда ишламайдиган, уч фарзанд отаси Яккабоғ тумани Туркабулоқ қишлоғида туғилган Ўрол Тўраевнинг қилиқлари эр кишига мос эмас, деб топилмасди. У 1991 йилнинг июнь ойидан буён Малоҳат Мусурмонова билан бирга яшаб келган. Шу йиллар давомида уч фарзандли бўлишди. Аммо, 1997 йил 25 апрелда Малоҳат жонига қасд қилиш оқибатида оламдан ўтди.

Қилни қирқ ёрадиган терговчиларнинг мазкур жиноят иши юзасидан чиқарган хулосалари ва гувоҳларнинг берган маълумотлари Ўрол Тўраевни айбдор, деб топди.

Судланувчи Малоҳат билан яшаб келган даврида унга раҳмсиз муносабатда бўлиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситган. Хўрлик, ҳақоратлар туфайли Малоҳат бир неча бор ота-онасиникига кетиб қолади. Лекин, марҳуманинг ота-оналари оилани сақлаб қолиш учун қизини куёви Тўраев Ўролникига олиб келиб қўядилар. Бу ҳол кўп такрорланади.

Ўрол эса бундан хулоса чиқариш ўрнига яна ҳақоратлаш, уриш, камситишни давом эттиради. Яхшиси, суддаги Ўролнинг гапига бир қулоқ тутайлик.

— Мен ҳақиқатдан ҳам Мусурмонова Малоҳатга 1991 йилда уйланган эдим. Уч нафар фарзанд кўрдик. Характеримиз бир-биримизга тўғри келмас эди. Оиламизда ҳар гал уриш-жанжал бўлганда у тез-тез ота-онасиникига кетиб қоларди. 1995 йил октябрда қизимиз Эъзоза сариқ касал бўлганида жанжал бўлди. Малоҳат ота-онасининг уйига кетиб қолди. Ўтган йилнинг сентябрь ёки октябрь ойида ҳам яна шундай бўлди. У менинг характеримни тушунмасди. Шу йилнинг 22 апрелида ҳам отамникига кетаман, деди. 23 апрелда Малоҳат катта қизимиз Эъзозани ураётган экан, шунда мен бир шаппат урганим тўғри. Шу кунлари унинг кайфияти йўқ бўлиб юрувди. Ниҳоят...

Хўш, қани бу ерда мантиқ? Ўролнинг гапига қараганда, характери бир-бирига тўғри келмаганмиш. Уларнинг гулдек уч фарзанди бор эди-я.

Гувоҳ тариқасида судда сўралган вояга етмаган Эъзоза ҳам ўз кўргазмасида отаси Ўрол Тўраев онаси Малоҳат Мусурмоновани 1997 йилнинг 22, 23, 24 ва 25 апрель кунлари уриб ҳақоратлаганини, онаси ўзига олов берганини, ота бўлмиш ўчириб олмаганлигини айтиб берган. Гувоҳлар С. Толипова ва

1 2

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига Ироқ «Озиқ-овқат учун нефть» дастури доирасида нефть сотишни кўпайтириши учун имкон беришни тавсия этди. Ҳозирги пайтда Ироқ йилига икки марта 2 миллиард долларлик нефть сотиш ва шунга яраша озиқ-овқат ҳамда дори-дармонлар харид қилиш ҳуқуқига эга.

* * *

Рақс тушаётган афғонистонлик 10 киши толибонлар томонидан қамоққа олинди. «Жиноятчилар» бир ой муддат ҳибсда сақланадиган бўлди. Бу толибонлар томонидан чиқарилган мусиқа ва рақс тушишни ман этиш ҳақидаги қарорининг биринчи марта ҳаётга жорий этилишидир.

* * *

Германиялик миллатчилар томонидан Иккинчи жаҳон уруши даврида ўғриланган пуллар миқдори 12 миллиард доллардан ошиб кетди.

МИНАЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

Канада пойтахтида пиёда аскарларга қарши ишлатиладиган миналарни тақиқлашга бағишланган халқаро конференция бошланди. Унда юздан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда олтмишдан ортиқ мамлакат ҳудудида, хусусан, уруш бўлган ва қуролли тўқнашувлар рўй бераётган жойларда 120 мингдан зиёд шу турдаги мина мавжуд бўлиб, улар туфайли кунига 70 мингга яқин тинч аҳоли нобуд бўлмоқда.

3 кун давом этадиган мазкур конференцияда пиёда аскарларга қарши қўлланадиган миналарни ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва сақлашни тақиқловчи халқаро конвенция ишлаб чиқиш режалаштирилган.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Москва минглаб етим болаларнинг тақдирини ҳал этиш арафасида турибди, деб ёзади Американинг «Ю-Эс-Эй-Тудей» газетаси. Россия Давлат Думаси мамлакатдаги етим болаларни хорижий ота-оналар томонидан асраб олиниши ҳуқуқини берувчи қонунларни қатъийлаштиришни мўлжалламоқда. Қонунни қатъийлаштиришга қарши бўлганлар янги қонунчилик хориждаги фарзандсиз кишиларни чўчитиб юборишдан ташқари, болаларни ҳақиқий уй-жойдан ва болалар уйларидан қутулиб кетиш умидидан маҳрум қилади, деб ҳисоблашаётир. Бироқ Россия парламенти вакиллари рус болалари узоқ хорижда иссиқ маконга эга бўладими ёки болалар савдоси билан шуғулланадиган олибсотарлар учун хом ашё бўлиб қоладими, деб жиддий ташвишланишмоқда. Хорижий оилалар турли агентликлар ёрдамида болаларга «буюртма» бераётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Беш йиллик иш тажрибаси давомида икки марта фожиали ҳол юз берди. Масалан, Колорадо штатида яшайдиган аёл икки ёшли асранди рус боласини ўласи қилиб урган экан. Флоридалик оилавий жуфтлик эса Москвадан Нью-Йорккача учиб бораётган самолётнинг ўзидаёқ эгизак қизчаларга нисбатан ўта қўпол муомалада бўлишган. Лекин Москва бунга жиддий ташвиш чекмаса ҳам бўлаверади, деб ҳисоблайди. Эндиликда бўлажак ота-оналар билан учрашиб, юзма-юз жиддий суҳбат қилинганидан сўнггина болалар янги оилаларга берилади.

* * *

Халқаро аудиторлар Босниянинг федерал хазинаси фирибгарлик туфайли ўн миллионлаб доллар маблағдан жудо бўлмоқда, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси. Газетанинг хабарига кўра ушбу ўғриликларнинг сабабчилари айрим расмий кишилар экан. Бошқа ўғрилар гуруҳига эса Босния сербларидан чиққан корчалонлар хомийлик қилишмоқда. Иккала жиноятчи гуруҳ ҳам Босния марказий ҳокимиятининг бўшлигидан фойдаланишмоқда. Экспертларнинг фикрича фирибгарлар мамлакат бюджетининг тўртдан бир қисмини тинчитиб бўлишибди.

* * *

Буюк Британиянинг «Дэйли Телеграф» газетаси Кениядаги табиий офат ҳақида ёзади. Икки ойдан буён давом этаётган тўхтовсиз жала оқибатида мамлакатдаги йирик дарёлар ўз ўзанидан чиқиб кетиб, ўн минглаб кишилар бошпанасиз қолди. Офатдан азият чекканлар касалхона ва мактабларга тиқилиб олишган. Гарчи табиий офат оқибатлари БМТ ёрдамида бартараф этиладиган бўлса-да, бу билан «қора қитъадаги» аҳвол ҳозиргидан ҳам баттар бўлиши мумкин.

* * *

«Таймс» газетасининг ёзишича, европалик ва америкалик аёлларнинг кўпчилиги ўз авлодларини ўтмишдошларидан бахтлироқ, деб ҳисоблашар экан. Британия, Франция, Испания, Германия, Италия, АҚШ ва Канада-да ўтказилган сўровлар натижасида шу нарса маълум бўлди. Олти минг аёлнинг 51 фоизи ўз онамдан кўра бахтлиман, деди. Ҳозирги замон контрацепция воситалари, машиний техника, яхши билим олиш имкониятлари ҳаёт тарзини кўтаришга ёрдам берди, дейишмоқда улар.

МАДРИД ОСМОНИДА.

БУ САФСАТА ЭМАС

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги «Слоан-Каттеринг» медицина маркази олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, рак, юрак-қон томир касалликларига қарши С витамини фойдали экан. Олимларнинг маълумотларига кўра, С витамини инсон организмидаги туқималарга турли инфекцияларнинг тушишига қаршилик қилар эмиш.

* * *

Уэльсдаги фермерлар мамлакатга Ирландиядан мол гўшти келтирилишидан норози бўлишмоқда. Тўрт юздан зиёд фермер ўз ерларида «зарарланган» мол гўшти пайдо бўлганлиги учун қаттиқ хафа бўлишди. Шу боис Ирландиядан келтирилган 40 тонна мол гўшти денгизга ташлаб юборилди. Бандаргоҳлар эса гўштни қабул қилишмаяпти. Гап шундаки, Ирландиядан келтирилган гўшт зарарли эмас. Аслида унинг нархи арзонлиги, маҳаллий гўшт етиштирувчиларнинг ғазабини қўзғатмоқда.

* * *

Ўғрилаб кетилган ҳамён орадан 44 йил ўтиб эгасига қайтарилди. «Паркс» Америка ҳарбий-ҳаво базаси биносини таъмирлаётган ишчилар девор тагига беркитилган ҳамённи топиб олиб, эгаси Доминго Фрагозага қайтаришди. 1953 йилда бир ўғри Фрагозанинг чўнтагидан ҳамённи ўғрилаб кетганди. У ҳамёндаги бор пулларни олиб, қолган нарсаларга тегмаган экан.

Спорт

ТАЖРИБА ИШ БЕРДИ

Олмониянинг Бад-Билбанд шаҳрида фақат кекса шахматчилар ўртасида жаҳон биринчилиги учун мусобақани ташкил этилгани кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу мусобақада мамлакатимиз шарафини тажрибали шахматчилардан Виктор Борисенко билан Лариса Манишчева ҳимоя қилишди. Узоқ йиллар турли мусобақаларда маҳорат оширган бу икки вакилимиз бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Борисенко қарийб 230 нафар шахматчи орасида 8.ўринни эгаллаган бўлса, Лариса бешинчи бўлишга эришди.

ХОТИРА-СОВРИНИ ИШТИЁҚИДА

Пойтахтимизда анъанавий мусобақалардан бири бўлиб ўтди. Бугунги кунда халқаро мусобақа мақомини олган генерал Собир Раҳимов хотира-совринни учун ўтказилган баҳсда 200 нафар полвон қатнашди. Улар орасида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган спортчилар бор эди. Беллашувда майдон эгалари бўш келишмади. Вакилларимиздан 8 нафари ўз вазнлари бўйича ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Айниқса Шуҳрат Рўзиқулов, Ҳикматилла Жабборов ва Дилшод Ориповларнинг чиқишлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Мутахассислар бу беллашув келаси йили ўтказиладиган Осиё ўйинларига тайёргарлик босқичларидан бири бўлиб қолади, деб баҳолашди.

БУ ҲАМ БАЙРАМ

Бугун — мухлислар орзиқиб кутган кун. Франциянинг Марсель шаҳрида бўлажак жаҳон чемпионатининг финалчиси номини олган 32 терма жамоа ўртасида қуръа ташланади. Ўзига хос маросим —байрамдан кейин ҳар бир жамоанинг ўз гуруҳини топиши, қайси майдонда ва қайси шаҳарда ўйнаши, учрашув кунлари-ю соатлари ҳам аниқланади. Шундай қилиб, мухлисларга 32 нафар финалчини яна бир бор эслатиб ўтамиз: Франция, Бразилия, Марокаш, Нигерия, ЖАР, Камерун, Тунис, Руминия, Норвегия, Болгария, Испания, Олмония, Дания, Англия, Австрия, Шотландия, Голландия, Аргентина, Колумбия, Парагвай, Жанубий Корея, Мексика, АҚШ, Саудия Арабистони, Италия, Хорватия, Югославия, Бельгия, Япония, Ямайка, Чили, Эрон.

ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАР САФАРИ

Ўзбекистон аёллар футбол жамоаси Хитойга жўнаб кетди. Улар Осиё чемпионатида қатнашадилар. Қизларимиз эртага Филиппин жамоаси билан майдонга тушсалар, 7 декабрда Хитой, 9 декабрда Шимолий Корея жамоалари билан куч синашадилар. Ҳал қилувчи ўйинлар 11 ва 13 декабрь кунларига мўлжалланган.

ФАРҲОД ЧЕМПИОН БЎЛМОҚЧИ

Тошкентда яна бир йирик халқаро мусобақага ҳозирлик кўрилмоқда. Янги йил арафасида Алишер Навоий номли санъат саройи яна гавжумлашадиган бўлиб турибди. Бу ерда Осиё профессионал бокс ассоциацияси чемпионлиги учун баҳс бўлади. Бундай нуфузли унвон эгаси бўлишга ҳамюртимиз Фарҳод Арслонов билан қозоғистонлик Канат Сехимбоев даъвогарлик қиладилар. Мусобақа 27 декабрь кунига мўлжалланган.

ҲАБАРЛАР ОҚИМИ

Америкининг ҳарбий доктринасига бир мунча тузатишлар киритилди. АҚШ мудофаа вазирлигининг махсус қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган дастурга биноан Америка Қуролли Кучларининг бошқа мамлакатлардаги ҳатти-ҳаракатларини камайтиришга қарор қилинди.

* * *

Ғарбий Европанинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган ўн бир ҳудуди Европа иттифоқидан молиявий ёрдам олиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Чунки Европа Иттифоқига Марказий Европанинг баъзи мамлакатлари ҳам қўшилди. Бу қарорнинг иқтисодий оқибатлари тезда сезилиши, бинобарин ушбу иттифоқнинг каттагина маблағлари янги аъзоларга юборилиши мумкин.

* * *

Исроилнинг «Эл-Ал» компанияси бундан буён фақат эркаклар ишлайдиган жой бўлмай қолди. Чунки эндиликда авиакомпанияда аёллар ҳам ишлайдиган бўлди.

ҲУКУМАТ ТАЛАБИ

Ироқ ҳукумати АҚШ Қуролли Кучларининг Форс кўрфазидан чиқиб кетишини талаб қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид Ас-Саҳҳоф эълон қилган баёнотга кўра, кўрфаз ҳудудида Американинг 2 та самолёт ташувчи кемаси ва 300 дан ортиқ ҳарбий самолётининг мавжудлиги нафақат сиёсатчилар, балки Араб давлатлари аҳолисининг ҳам норозилигига сабаб бўлмоқда. Вашингтондаги ҳукмрон доиралар эса бу ҳолат Бағдоддаги раҳбариятни БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси билан ҳамкорлик қилишга мажбур этишга қодир, деган фикрни билдиришмоқда.

ЎҒРИЛАНГАН МИРШАБ

Ўзга сайёраликлар, «учар ликопчалар» қачон Ерга туша бошлаган? Тўғриси, кўпчилигимиз охирги 20-25 йилларни тасаввур этамиз. Лекин бундан бир аср илгари ҳам «келгинди»лар бўлган экан.

Аниқроғи, 1889 йилда Аризон штати Мексикада полициячилар уларнинг изларини, ҳатто ўзларини ҳам кўришган. «Учар ликопча»да турган «одамча» ҳатто бир полициячини «олиб қочган»ди. Бу каби ҳайратомуз воқеаларга шоҳид бўлганларнинг ҳикоясини эшитгач, табиийки келгиндилар ҳақида чуқурроқ билишга ҳаракат қиламиз.

Шов-шувлар

107 ёшга кирган қария Жорж Фернандес 1971 йилда ўлими олдидан авлиё ота Жоэл Молага ғалати ҳодисани сўзлаб берганди.

— Фернандес бу воқеани айтганда, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда эди, ёлғон гапирмас, — дейди репортёрларга авлиё Жоэл Мола.— Унинг айтишича, тўппа-тўғри жаннатдан қандайдир «кема» ерга қўнган экан. Бу воқеа Аризон штатининг Ногейлз шаҳарчасида 1889 йилнинг 17 июлида содир бўлганди. «Кема» чорбоққа қўнганди...

Чорбоқ хўжайини қўрқувдан ўтакаси ёрилаёзди. Фернандес ўғлини полициячиларга югуртирди. Тезда 12 нафар полициячилар чорбоқни қуршаб олишди. Улар дастлаб чорбоқ устида муаллақ осилиб турган кумушранг ликопчасимон «кема»ни кўришди. Ликопча тахминан 200 метр баландликда гўё осмонда «осилиб тургандек», қимир этмасди. Бирдан пастга шўнғиди, чорбоққа жуда яқинлади. Негадир яна осмонга кўтарилди, яна ерга қайтди. Полициячилар ҳангу манг бўлиб қотиб, кузатишарди.

Ликопча жуда пастлаб уча бошлади. Учишиям ғалати — дам ўнгга, дам чапга гўё беланчакдек тебранарди. Осмон тим қоронғи бўлиб қолди. Шунда Фернандес «ўзга сайёралик»ларга яқин борди. Оралиқ 15 метрча қолди. Кутилмаганда ликобчадан «ушшоқ одамча» отилиб чиқди. Устидаям кумушранг кийим-бош. Фернандес хавфни сезиб, револьверини ўқлади. Қараса, одамча тап тортмай бостириб келяпти. Огоҳлантирган бўлиб осмонга ўқ узди. Фернандес кейинги воқеалар «яшин тезлигида» рўй берди, дея изоҳларди. Ҳалиги одамча худди эриб кетган шамдек, йўқ бўлди. Ёруғлик нурдек бир чақнаб ё ўчди, ё учиб кетди...

Фернандес бу ҳақда полициячи Мортонга сўзлаб берди. Бошқалар негадир «одамча»ни кўз билан илғай олишмаган экан. Мортон тонг азонлаб от миниб, ўша воқеа содир бўлган жойга йўл олди. Ортидан Фернандес ҳам қизиқсиниб отланди. Қариянинг таъкидлашича, Мортон ўша жойга етганда бирдан «ликопча» пайдо бўлди. Бир неча сония ичида Мортон от-поти билан кўздан ғойиб бўлди. «Кема» бўлса кескин кўкка кўтарилиб, 60 метрча баландликда бир неча сония «осилиб» тургач, тўсатдан кўздан ғойиб бўлди.

«Мола, — деганди Фернандес жон таслим қилар чоғи. — Улимим олдидан ҳақ гапни айтиб кетай. Мортонни «учар ликопча»да олиб қочишганди. Негадир шу тобда хаёлимда фақат Мортон...»

Ҳа, бироз қайғули воқеа. Баъзан «учар ликопча»лар, «ўзга одамлар» ҳақида гап кетгудек бўлса, турли баҳслар бошланиб кетади. Ҳар хил қарашлар, фаразлар ҳаммаси ҳам ўз ўрнида ҳақдир. Нима бўлганда ҳам фазовий ҳодисалар инсонни олам тўғрисида янада кўп нарса билишга, чуқурроқ мушоҳада юритишга ундайди.

«СУПЕР-40» РЎЙХАТИДА БИРИНЧИ

«Форбс» журнали яқинда энг бой спортчиларнинг анъанавий рўйхатини эълон қилди. Маълум бўлишича, 1997 йилнинг «Супер-40» рўйхатидаги биринчи рақам «Чикаго Буллз» баскетбол командасининг машҳур ҳужумчиси Майкл Жорданга насиб этган. У олти йилда беш марта ана шундай натижага эришди. Шу йилнинг охиригача Жорданнинг бойлиги 78 миллион долларга етади. Боксчи Эвандер Холифильд иккинчи ўринни эгаллади. Унинг қулоғини тишлаб олган Майк Тайсон эса бешинчи ўрин билан кифояланди. Автопойгачи Михаэль Шумахер учинчи ўринга кўтарилди. «Супер-40» рўйхатига миллий баскетбол уюшмасининг 10 ўйинчиси киритилди. Улар орасида «Чикаго Буллз» командасидан Деннис Родман, «Хьюстон Рокетс» вакили Хаким Олажувон ва «Орландо Мэжик» командаси ўйинчиси Хорес Грант ҳам бор. 14,5 миллион доллар ишлаб топган Пит Сампрас энг бой теннисчи бўлиб чиқди.

ОТА – МАҲБУС

Н. Қодировалар ҳамда жабрланувчининг ота-онаси Зиёдулла Мусурмонов ва Маргарита Мусурмоновалар Малоҳатнинг ҳаётлигида яхши кун кўрмаганлигини билдиради.

Аммо, биз ота-оналарни ҳам оқлашдан йироқмиз. Танишларимиздан бири бош фарзанди турмушга чиққач, бир ойдан сўнг ёлғиз қидириб келганида уйига қайтариб юборган экан. У «Қизим, бундан кейин ҳам ўзинг келсанг уйимдан сенга жой йўқ. Қайнонанг, қайинсинглинг, ҳеч бўлмаса, куёв билан келгин», деб қойибди. Шу-шу бошқа қизлари ҳам келин бўлиб тушган жойида палак ёзиб, бахтли бўлиб кетаверибди.

Судда марҳуманинг ота-онаси «Куёвимиз Ўрол Тўраев қизимиз Малоҳатни аввал уриб ўлдирган, сўнг жиноят ишларини яшириш мақсадида олов берган», деган важлари ўз исботини топмади. Суд-тиббий экспертиза хулосалари ва қўшимча гувоҳ тарифасида сўралган эксперт Б. Воҳидов кўргазмаси марҳуманинг ўлим сабаби фақат ўзига-ўзи олов беришдан эканлигини тасдиқлади.

Судланувчи Тўраев Ўрол Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми билан айбдор, деб топилди ва унга 5(беш) йил озодликдан маҳрум этилсин, деган жазо тайинланди.

Албатта, суд судланувчининг илгари судланмаганлигини ва уч нафар фарзанди борлигини ҳам ҳисоблаб жазо тайинлади.

Хулосалар шуни кўрсатадики, ҳуқуқий саводхонлик бўлганида Малоҳат Конституциямизда эркак ва аёл тенг ҳуқуқлидир, деган сатрлар борлигини биларди. У ўз ҳаққи-ҳуқуқи учун курашарди.

Яна бир томони, кўпинча жиноятга қўл ураётганлар ҳеч қаерда ишламайдиганлар бўлиб чиқяпти. Ўрол Тўраев ҳам улар тоифасидан. Бордию, у бирор ишнинг этагидан тутганида, аввало турмушда доимий жанжал бўлмаслиги муқаррар эди. Афсуски, кўпчилик «иш йўқ» деган баҳонада ишламайди. Бекорчидан худо ҳам безор, дегани шу бўлса керакда, оқибатда жиноят содир этиб, жиноятчи тамғаси билан «ўтириб» чиқади.

Бинобарин, ишламоқчи бўлган шер йигитга иш сероб. Яхши одам бўлсангиз, жойларда қўл-қўл бўлиб ҳам кетасиз.

Ўролнинг оиласида учта норасида фарзанд қолди. Улар вояга етади. Бунга шубҳа йўқ.

Хуллас, илдизига болта урилган бу гумроҳлик изтиробга солаверади. Она меҳрига тўймаган, отанинг шафқатсиз қилиқларини қалбига жо қилган фарзандлар келажагини ўйлайсан киши. Бу қишлоқ аёллари ўртасида маърифий-ҳуқуқий мавзуда кўпроқ амалий ишга ўтишни талаб этади.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!

Абдураҳмон КАРИМОВ,
Чироқчи тумани суди раиси.
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎНГИЛЧАНЛИК ЖАЗОСИ

Кўнгилчанлик гўзал фазилат. Дунёда ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани яхши. Чунки ҳар қандай эзгулик ҳам одатдагидек такрорланаверса, назаримда, қадр-қиймати қолмайдигандек.

Флорида штатининг Тампа шаҳрида рўй берган фожиали воқеанинг сабаби ҳам шу — меъёр бузилишидир. Эндигина 32 ёшга кирган Мария Суарес ўта юмшоқ табиатли аёл эди. Ўлимидан 17 кун илгари Мария эри Антонио Суаресни қаматди. Кўнгилчанлиги қани дерсиз? Йўқ, пичоқ бориб суякка тақалганида.

Антонио кейинги пайтда маиший бузуқликка берилиб кетганди. Бангиликдан ҳам хабари бор эди. Хотинига кўп руҳий азоб берар, тан ҳароҳати етказарди. Ўша куни Мария: «Антонио, кел яхшиси ажрашайлик, мени тинч қўй» деб ёлборди. Эр бундан ғазабланиб, уни аёвсиз дўппослай бошлади. Хотин осонликча сурбет эрдан қутулолмаслигини билиб, полициячиларга арз қилди. Ўз кўнглида Антониони сал попугини пасайтириб қўймоқчи бўлди.

Тақдир ҳазили

Қонун-қонунда. Айбдорни жазосиз қолдирмайди. Полициячилар Антониони қамаб қўйишди. Сал кунда эрнинг кўзи мошдек очилгандек кўринди. Ҳар куни турмадан хотинига қўнғироқ қилиб, аризасини қайтариб олишини ўтиниб сўрай бошлади.

Судья Вальтер Хайнрих Марияга асло бундай қилмасликни маслаҳат берди. Эҳ, биз аёллар... Биргина ширин сўз, эътиборнинг гадосидирмиз. Эрига нисбатан қўйилган айбномани бекор қилишларини сўраб Мария полицияга ариза ёзиб топширди. «Фақат эрим мени тинч қўйиб, ўз юртига, Майамига жўнаб кетсин...» дея хотин шўрлик талаб қўйди, холос. Эр дарҳол кўна қолди.

Букрини фақат гўр тўғрилайди, деган гап бор. Антонио ҳам қамоқдан тўппа-тўғри Марияннинг олдига келди. Табиатан кўнгилчан Мария эрини яна қабул қилди. Афсус, бу галги кўнгилчанлиги унга жуда қимматга тушди. Эвазига эри уни револьвердаги бор ўқ билан «сийлади». Ваҳшийларча пичоқлаб ташлади...

Кўнгилчанлик жазоси шафқатсизлик бўлиб чиқди. Қотил эрнинг бу қилмишини полициячилар олий жазога лойиқ деб топишди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 4 dekabr, paysanba № 142 (22.225).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ЧЎЛПОН ВА ДАВР

Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига

Абдулҳамид Чўлпоннинг яшаб ўтган 40 йил умри тарихан жуда қисқа муддатли даврга жо бўлди. Аниқроғи, унинг ҳаёт йўли тарихий воқеаларга бой, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар билан белгиланган, бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки йўналишга тўғри келди. Уларнинг биринчиси маънавий силсилалар, миллий ўзликни англаш, тараққиёт йўлларини юзага келтирган жадидчилик номли буюк кучнинг майдонга келиши ва унинг ривожи билан белгиланса, иккинчиси уни емириб, қўпориб ташлаган, «порлоқ социалистик жамият қуриш» мақсадида миллий тараққиётга ғов бўлган, тарих саҳифаларини фожиаларга тўлдирган давр эди. Биринчи даврда ҳаёт уммонидаги қудратли тўлқин Чўлпонни номаълумлик қаъридан юксакликка олиб чиқди ва уни халқнинг севимли фарзандига айлантирди. Надоматлар бўлсинки, Чўлпоннинг улуғворлиги ва қудрати самога олиб чиқилиб ер бағрига аёвсиз урилди. Унинг мураккаб тақдири ажойиб ва шу билан бирга бешафқат тарих билан боғланганди. Чўлпонни билиш ва тўла англаб етиш, унинг бетакрорлигини ҳис қилиш, буюклиги ва иқтидорини тушуниб етиш учун, у яшаган давр ва тарихий воқеликни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганмоқ керак.

Биринчи босқичда у тақдирнинг эрка фарзанди бўлди. Унинг таланти жадидчилик ғоялари билан бирга ўсди, гавдаланди. Чўлпон таваллуд топган вақтда жадидчилик ҳам шаклланмоқда эди.

Бу даврнинг асосий ижтимоий ва сиёсий белгилари ижтимоий фикрнинг ҳаракатга келиши эди. Аҳмад Донишдан тортиб жадидларнинг янги авлоди бўлган А. Фитрат, М. Беҳбудий, А. Чўлпон, Мунавваркори Абдурашидхон ўғли ва бошқалар буюк Турон, Фитрат сўзи билан айтганда «бу маданият қуёшининг осмони, бу инсоният оламининг жаннати, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат жаҳонининг дарсхонаси, тараққиёт учун барча воситаларга эга бўлса ҳам, ...хорлик занжирининг асирлигича қолганини, тирикчилик учун барча зарур воситалари бўлишига қарамасдан, ёқасини ажал панжасига топширганини» тушуниб, бу ҳақда ёниб сўзлар эдилар.

Туркистоннинг иқтисодий қолоқлигини тушунган ҳолда ана шу кураш маърифатчилик билан бирга уйғунлашиб, жадидларни сиёсий хулосаларга ва ҳаракатларга олиб келди. Чунки иқтисодий ривожланиш сиёсий ўзгаришларсиз бўлмайди. Россия мустамлакачилик сиёсати Туркистон, Хива ва Бухорони Шарқдан ва Шарқдаги кучли миллий ҳаракатлар таъсиридан ихота қилолмади. Ватандаги иқтисодий, сиёсий вазият миллий мустақил давлат қуриш концепциясини шаклланиши амалий сиёсий кучга айланди.

Уларнинг Шўрои-исломия, Шўрои-Уламо, «Турк олами марказияти» ва миллий сиёсий ташкилотларнинг дастурий қоидалари шундан далолат берадики, Туркистон жадидлари бу ўлкада яшайдиган барча халқларнинг ўзлигини миллий маданий жиҳатдан белгилаш асосида Туркистон Федератив республикаси номи билан алоҳида ҳудудий автоном федерация қуришини назарда тутганлар.

1917 йилдаги ҳамма жадид газеталари — «Кенгаш», «Турон», «Турк эли» ва бошқалар ҳамда 1917 йил апрелида бўлиб ўтган Туркистон Ижроия қўмиталарининг қурултой протоколларида бу ҳақда ниҳоятда алангали баҳслар бўлганини кўрамиз. Жадидларнинг давлат қурилиши дастури, Шарқ анъаналари, миллий ўзликни англаш, шу билан бирга Ғарб мамлакатларининг энг юксак натижаларга олиб келган тараққиёт таълимотларига асосланган эди. 1914—1917 йилларда Туркистонда сиёсий ҳаракатлар авж олганда Абдулҳамид Чўлпоннинг ижоди гуллаб-яшнаб келаётган эди. У жадидчилик ғояларининг асири эди. 16 ёшида «Адабиёт надур? « деган мақолани ёзган муаллиф, жадидчилик юзага келтирган янги адабиёт бунёдкорларидан бири эди. Лекин унинг қизиқишлари адабиёт ва театр санъатида янги оқим ва йўналишни яратиш билангина чегараланган эмасди. 1914 йилдаги «Садои Фарғона» газетасида «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар», «Ойна» журналида эса «Андижонда янги банк» номли мақолаларда иқтисодиёт соҳасида кенг ва чуқур тушунчалар ва билимларини намоён этади. Чўлпон бу мақолаларда Россия, Европа ва Америка давлатларининг тараққиёт тажрибаларидан мисоллар келтириб, Туркистон иқтисодиётининг келажаги ва уни ривожлантириш йўллари ҳақида фикр юритади. Чўлпон сиёсатдан ҳам ҳоли эмас эди. Унинг 1917 йилда «Турон» газетасида чоп этилган «Иш вақти — ишлаш вақти», 1918 йил «Эл байроғида» босилган «Умид сиздан» деган мақолалари Чўлпоннинг «большевизмга» салбий нисбати, Туркистон мухториятига бўлган меҳр-муҳаббатини билдиради. У нафақат публицист, амалда сиёсатчи эди. Туркистон мухторияти ва Бошқирдистон мухториятининг фаол иштирокчиси эди. Туркистон мухторияти қонга ботирилгандан сўнг Убайдулла Хўжаев, Абдулҳамид Орипов, Мирмуҳсин ва бошқалар билан Бошқирдистон кичик шўро ташкилотида ишлаб, котиблик вазифасини бажаради ва ахборот марказида ишлайди.

Маълумки, Туркистон мухториятининг тараққиёт тор-мор этилгандан сўнг жадидларнинг кўпчилиги муҳожирликка юз тутдилар. Лекин уларнинг анчагина қисми ўз Ватанларида қолиб, ўз халқига маориф соҳасида хизмат қилишда давом этдилар. Улар қаторида Чўлпон ҳам бор эди.

Унинг ўчун мураккаб давр бошланди. Ўмуман олганда, бу даврда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётда бир-бирига қарама-қарши бўлган, бир-бирини инкор этувчи ҳолатлар вужудга келди. Бу вақтга келиб Чўлпонга қарши буюртма асосида шиддатли ва аёвсиз сиёсий ҳужум бошланиб кетган эди. Зариф Башир, Айн, Отажон Ҳошимов, Сотти Ҳусайн, Трегулов, Писменний, Аршаруни ўзларининг танқидий мақолаларида Чўлпонга миллатчи шоир, «бадбин зиёлилар шоири» тамғаси босишди. 1924 йилдаёқ адабиётчилар ва умуман жамият ичида икки лагернинг вужудга келиш хавфини, яъни қалб даъвати билан яшаб ижод этувчи ва фирқанинг чизиғи билан яшовчи ижодкорларга бўлинишини ҳис этган Чўлпон шундай ёзган эди: «Тирноқ орасида кир ҳамма вақт бўладур, кавлаган сари чиқа берадур. Лекин, одамларнинг умри тирноқ орасиндаги кир кавлаб ўтиш учунгина тикланмаган. Айниқса, Туркистоннинг оқ-қорани танимаган ерлик халқига бир нарса билдираман деган муаллимлар бир-бирларининг айбларини излаш билан умр ўтказсалар, бу жиноят», деб ёзган эди. Лекин жиноят содир этилиши авж олди. Чўлпонни танқид қилиш нафақат республика балки СССР миқёсида давом этди. Машҳур «Новый Восток» номли журналда 1929 йил маданият соҳаси бўйича партия масъул ходими А. Аршарунининг «Заметки о художественной литературе Средней Азии» деб номланган мақоласи «марксча» адабиётшуносликка умуман тўғри келмайдиган Чўлпон ижодининг танқидий руҳдаги таҳлилига бағишланган эди. Муаллиф «Қизил Ўзбекистон» газетасида Чўлпонни ҳимоя қилишга жазм этган ёш ёзувчи Ойбекка қаҳр-ғазаб билан ташланади. Шу ўринда Ойбекнинг мафтункор сўзларини келтириш жоиздир: «Чўлпон бизнинг ҳозирги адабий эҳтиёжимизга жавоб бера олмас деб ундан қўл йиғамизми? Менимча бу нарса хато... Шоирларнинг қулоқларидан чўзиб туриб, йўқсиллар шоири бўл дейиш мумкин эмас.

...Чўлпон ўзининг муҳити, тарбияси ва интилишлари эътиборила бундан узоқ». Ойбек Чўлпонни А. С. Пушкинга таққослаб: «Пушкин йўқсил эл учун ёнган бир шоир эмас. Ул помешик ва тўралар шоири. Мафкураси ҳам ҳозирги замонга мувофиқ эмас. Бўлмаса уни нечун бу қадар севиш? Пушкин кўп гўзал асарлар яратди. Иш шундай экан руслар нечун буюк адабиётчилар ва умуман жамият ичида ...

1

2

адабий меросидан воз кечсинлар? Биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймиз. Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратди. Мавашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша, ёқимли гўзал шеърлар ўртага чиқди. Бу кунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқилади. Воз кечилмайди» деб ёзади. Бундай ўхшатиш ва қиёслашдан фиғони чиққан Аршаруни Ойбекни Пушкинни яхши билмасликда айблайди. «Ойбек Пушкин билан Чўлпон орасига тенглик аломатини қўйиб бўлмасликни тушунмайди», дейди Аршаруни. Унинг Пушкин ижоди билан яхши таниш бўлганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, лекин Пушкин ва Чўлпон ўртасидаги ўхшашлик ҳақида сўз кетганда, Аршарунининг Чўлпон ижодини яхши билмаганлиги аниқ. Ваҳоланки, Ойбек ўз мақоласида кўпроқ буюк адибларга бўлган замонавий муносабат ҳақида мулоҳаза юритади. Олмонияда таълим олаётган туркистонлик талабалар томонидан нашр этилган «Кўмак» журналида Чўлпонни ундан ҳам дадилроқ Шекспирга таққослашганлигидан Аршаруни бехабар қолган бўлса ажаб эмас. Мақола муаллифи: «Шекспир лиризми билан Чўлпон шеърияти орасида нақадар айирма ахтарсамда ани тополмадим. «Уйғониш»ни неча топқир ўқиб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг: «Шекспир Чўлпондир, ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим», — деб ёзади.

Бироқ ҳукмрон тизим жумҳуриятлар адабиёти ва санъатини миллий-пролетар тор доирасидан ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймас эди. У маҳаллий шоир ёзувчиларнинг халқаро миқёсда тан олинишларини истамас ва бундан манфаатдор эмас эди.

Жамият мафкурасига марксизмнинг кириб келиши ҳар қандай бошқа дунёқарашни инкор этди. Уни қабул қилмаган университет ва олий ўқув юрт профессорлари, адиблар, ёзувчилар, санъаткорлар халқ душмани деб эълон қилинди.

30-йиллар қатағони миллий маданият, унинг вакилларига қай даражада зарар етказгани ҳақида тасаввур қилиш мумкин. Чунки маданият соҳасида ҳам мустақил фикрга эга бўлиш, мустақил иш тутиш, айниқса ўша вақтдаги ҳукмрон мафкурага тўғри келмаган фикрларни билдириш инсон ҳаёти учун ўта хавфли эди. Чўлпон содир бўлаётган жараёнларни тушуниб етган. Бундан унинг шеърлари далолат беради. Нима учун у Ўзбекистонда эмас, Туркияда «Япроқлар» номли шеърини чоп этди? Чунки унинг сатрлари:

Қарғалар боғларда
қағлашиб қолдилар,
Билмадим кимларнинг
қисмати узилур —
Ёнғоқга ёпушиб бир чангал
солдилар,
Билмадим кимларнинг
умиди йўқ бўлур.
Эй совуқ эллардан
муз кийиб келганлар,
У кўпол товушингиз
қорларда йўқ бўлсун,
Эй мени боғимда мевани
терганлар,
Қоп-қора бошингиз ерларда
кўмулсун.

Нимани ва кимларни назарда тутганини, Ватанимизда ўзга эътиқод, ўзга ҳукмронлар эгаллаганини ва у бундан норози бўлганлигини ифодалайди. 10 йил мобайнида Чўлпон танқидга нишон бўлди. Уни оддий журналистдан то республика раҳбари Акмал Икромовгача салбий тарзда тилга олишди.

Ниҳоят 1937 йилда Чўлпон «халқ душмани» деб эълон қилинди. Уни Аҳмад Заки Валидийнинг дўсти бўлганини, унга Бошқирдистон миллий истиқлоли йўлидаги курашида елкама-елка туриб кўмаклашганини, Туркистон мухториятининг фаол тарафдори бўлиб ва жадидчилик сафида туриб ўз сиёсий қарашлари билан чиққанлигини сиёсий тизим унутмади ва кечирмади. Қолаверса у ўзбекистонлик шоир ва ижодкорлар ичида халқаро миқёсда эътироф этиб келинаётган ва тан олинаётган шоир эди. Бундай эътироф ҳукмрон тизимнинг сиёсатига ҳам, мақсад-вазифаларига ҳам асло тўғри келмас эди. Биз бугунги кунимиздан туриб Чўлпоннинг фожиали тақдирига нигоҳ ташлар эканмиз, у тарихимиздаги мураккаб икки даврнинг ўзига хос тимсоли бўлиб қолганлигига иқрор бўламиз. Чунки буюк шахслар ўз замонасидан доим олдинда юрадилар. Замон зайлига кўра улар олқишланади ёки янчиб ташланади. Шунинг учун ҳам Чўлпон мустабид тизимнинг қурбони бўлди. Лекин унинг армонлари мустақил Ўзбекистонда рўёбга чиқди ва номи яна адабиёт осмонида ёрқин ёнмоқда.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори.

3

Китоб — содиқ дўст

ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ...

Инсон ҳаётида хасталик ва саломатлик муаммоси муҳим масаладир. Хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари хилма-хил. Улардан энг асосийси инсоннинг руҳий муаммоларидир. Агар хасталикни келтириб чиқарган руҳий муаммо англаб етилса ва бартараф этилса, саломатликнинг тикланиши учун асос яратилади. **Аҳрор Ёркулов ва Ибодулла Холлиевларнинг** «Англаш ҳикмати» номли суҳбат-мунозара тарзида ёзилган китобида худди ана шу мавзуда мулоҳаза юритилади.

Қадим замонлардан буён инсонни, унинг маънавий-руҳий оламини, жамиятдаги ижтимоий хулқ-атвори, бирор хатти-ҳаракати ёки фаолиятининг юзага келиш қонунияти ва сабабларини билишга қизиқиб келинади. Инсонни билиш дунёни билишдан кўра мураккаброқдир. Баъзилар инсонни билиш эмас, тушуниш керак дейди. Ҳар қалай, инсоннинг руҳий-маънавий оламига алоқадор хилма-хил жумбоқли масалалар борки, улар ҳамиша билим аҳли диққатини ўзига жалб этиб келади. Масалан, фикрий тимсолларни юзага келиши, тасаввур, онг, фикрлаш, хотира ва улар билан боғлиқ жараёнлар табиатини билиш қизиқарли эмасми? Мазкур китобда ана шу масалаларга жавоб берилади.

Мавжудликдаги тирик моҳият — инсон, хусусан ақл табиати, унинг хоссалари, фаолият кўрсатиш тартиби ҳали чуқур ўрганилган эмас, дейилади китобда. Ҳаётнинг вазифаси инсон орқали фақат азобу уқубат, дард-изтиробларни ижро этмоқ эмас, балки улар воситасида муҳаббат ва ақлни камол топтириб яратиш, кашф этиш, шаклланган жамики эзгуликни барқарорлашдан иборатдир. Ақл муҳаббат туфайли туғилади. Ақлли инсондагина буюк муҳаббат камол топади. Ақл муҳаббатга, муҳаббат эса ақлга куч бағишлайди. Муҳаббатдан куч олган ақлнинг мўъжизалари дунёни ҳайратга солади.

Муаллифларнинг «Англаш ҳикмати» номли китоби ана шундай қизиқарли масалаларга бағишлангани учун ҳам ўқувчиларнинг диққат-эътиборини тортади, деб ўйлаймиз.

Содиқ СУЛТОН.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

ҚУВНОҚ БОЛАЛИК.

АВТОКОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Совутгич» ҳиссадорлик жамияти
барча турдаги автомобиллар учун антифриз ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан
СОТАДИ

Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ишончли эканлигига кафолат берилади. Нархи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Саноат зонаси. Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида.
Телефонлар: (3712) 47-53-45, 47-03-06.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО" предлагает:

Наименование продукции	Ед. измер.	Цена за 1 тн (сум)	№ телефонов
1. Уголок 100мм	тн	60500	480882
2. Уголок 160, 140мм	тн	58300	-"-
3. Периодический профиль д.12 мм.	тн	29300	480882
4. Трубы чугунные-водонапорные-65мм.	тн	50000	484766
5. Трубы чугунно-канализационные-159	шт	1800	-""-
6. Сетка "Рабица" 20х20мм.	кв.м.	250	484707
7.Сетка сварная (дорожная)150х150	тн.	договорная	-"-
8. Сетка просечно-вытяжная 30х15	кв.м	-"-	-"-
9. Электроды свароч. АНО-4 д. 4мм.	тн	192000	-"-
-"- МР-3д.4.	тн	220000	-"-
10. Крепежные изделия различных размеров	тн	договорная	-"-
из них: болты с/г 10х100мм	тн	108000	-"-
гайки свободные М10	тн	-"-	-"-
винты 5х45-50 и другие	тн	65000	-"-
заклепки стальные различные	тн	7269	-"-
11.Титановый прокат	тн	550000	-"
12.Латунный порошок	тн	116000	-"-

Наш адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин — 136.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 310-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Зайнабутдинов Элбек Алишерович номига берилган UZA 031763 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон — Германия — Исроил «Осиё-Вест» қўшма корхонаси раҳбарияти ва жамоаси Маҳмудхўжа Мақсудович Акромхўжаевга онаси **Марҳамат КАМОЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА